


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 3 май, № 86 (5253) Сешанба


## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2011 йил 5-6 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

## АЗАЛИЙ ДЎСТОНА ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон ва Туркманистонни асрлар давомида яқин маънавий қадриятлар, тил, дин, тарих, урф-одат ва анъаналарга асосланган мустаҳкам дўстлик ришталари ва яхши қўшничилик боғлаб туради. Қардош ўзбек ва туркман халқлари бир-бирининг адабиёти, маданияти ва санъатини яқиндан билади ва ҳурмат қилади. Аждодларимизнинг бой мероси ўзбек ва туркман халқларининг умумий бойлигидир. Бу омиллар турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.***

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги анъанавий ишонч ва дўстликка асосланган алоқалар янги замон руҳида ривожланиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришни икки мамлакат ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган. Икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган самимий ва ишончга асосланган муносабат, турли даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар бунинг яққол далилидир.

1991 йилдан ҳозирги пайтга қадар икки мамлакат раҳбарларининг 11 марта олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Туркманистон Президенти Ўзбекистонга 6 марта келган бўлса, Ўзбекистон Президенти 5 бор Туркманистонга ташриф буюрган. Мазкур ташрифлар чоғида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. 2010 йилнинг октябрь ойида навбатдаги олий даражадаги ташриф амалга оширилди — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан, расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари якунида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилишларини тасдиқладилар ва икки дўст давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлари механизмларини ривожлантиришга интилишини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЧИНИҚИШ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

***Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ёшлик, гўзаллик ва нафосат байрами — "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинлари минглаб ўғил-қизларимиз учун спорт оламида энг юксак марраларни эгаллашларида ўзига хос синов майдончасига айланди.***




*Президентимизнинг мазкур спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасида эканининг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Табрикда қайд этилганидек, "...юртимизда шаклланган, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари деб ном олган уч босқичдан иборат ноёб тизимни биз минг-минглаб ёшларимиз учун спорт оламида энг юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдончаси сифатида қабул қиламиз. Бундай самарали тизим сиз, азиз болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар этиб вояга етказишда, қатъият ва мардлик руҳида тарбиялашда ёшларимизнинг чиниқиш ва маҳорат мактабига айланиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради".*

Дарҳақиқат, эртамиз эгаларини она-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётир. Бошқачароқ қилиб айтганда, эндиликда ушбу спорт ўйинларининг яхлит механизми яратилди. Унинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни ҳам кенгаймоқда. Яна бир муҳим жиҳати, спортни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга берилаётган улкан эътибор туфайли вилоятлар спортчиларининг эришаётган натижалари ҳам яхшиланиб бораётир. Гап шундаки, илгарилари Тошкент шаҳри вакиллари аксарият спорт турлари бўйича беллашувларда вилоятлар жамоаларидан сезиларли даражада устунлик қилишарди. Мазкур мусобақаларга қизиқиш ортиб бориши сабабли, вилоят вакиллари пойтахт жамоалари билан тенгма-тенг баҳс юритишга, айрим спорт турлари бўйича ҳатто улардан ўзиб кетишга ҳам эришмоқдалар.

"Баркамол авлод" мусобақалари бу сафар ҳам юртимиз ёшларининг ҳақиқий спорт байрамига айланди. Ўқувчи-спортчиларнинг мусобақаларга пухта тайёргарлик кўргани, тажриба ва маҳоратини ошириш борасида тинимсиз машқ қилгани, ғалабага интилиши беллашувларнинг муросасиз ўтишини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизда бой маънавий меросимизни қайта тиклаш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, унинг жозибаси, ўзига хослигини жаҳонга танитиш йўлида бекиёс ишлар қилинмоқда.***

Asrlar sadosi

## БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ



Бухоро шаҳрида шу йилнинг 30 апрель — 1 май кунлари Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори доирасида бўлиб ўтган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ҳам мазкур йўналишдаги бир қадам бўлди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ўзининг бекиёс мазмун-моҳияти билан умуминсоний қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз намойишига айланди.

Таъкидлаш жоизки, азим Бухорода "Асрлар садоси" фестивалига юксак савияда тайёргарлик кўрилди. Янада кўркам, файзли ва обод қиёфа касб этган қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар фестиваль кунлари санъат ва маданият намояндалари, маънавият фидойилари, уста ва ҳунармандлар, талаба-ёшлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари, турли мамлакатлардан келган меҳмонлар билан янада гавжум бўлди.

(Давоми 4-бетда).

## ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

### инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир

***Ўзбекистонда адолатли ва очиқ фуқаролик жамияти ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, табиийки, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада бўлишини ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатли таъминланишини талаб қилади.***

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади".

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юристлар малакасини ошириш марказини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда).



***"Туркистон" саройида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

## ЭЪТИБОР, МАСЪУЛИЯТ ВА РАҒБАТ

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ ва холис тарзда етказиш — бугунги давр тақозоси.

Мустақиллик йилларида миллий журналистика сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад ҳам халқнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашни таъминлашдир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она-юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 2 май куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда яна бир бор ўз ифодасини топди.

(Давоми 4-бетда).

## РОҒУН ГЭСИ МИНТАҚА УЧУН ҲАЛОКАТДИР

***Бугун бутун дунёни сув танқислиги билан боғлиқ яна бир оламшумул инқироз ўз домига олаяпти. Қурғоқчилик ҳукм сураётган Африкадаги вазият сўнгги вақтларда фақат биргина ушбу қитъанинг бош оғриғи бўлмай қолди. БМТ маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб, дунё аҳолисининг қарийб ярми сув танқислигидан азият чекади. Орадан ўн йилча ўтгач, иқлим ўзгариши туфайли миллионлаб африкаликлар ҳаёти ҳалокат ёқасига келиб қолади ва бу кескинликнинг авж олишига, улкан миграция жараёнининг юзага келишига сабаб бўлади.***

### Холис назар

Сув муаммоси бизнинг минтақамиз учун ҳам ўта долзарб эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Жаҳон захиралари институти хулосаларига кўра, Ўзбекистон Туркманистон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатлар сингари дунёдаги сув билан энг кам таъминланган мамлакатлар рўйхатида туради.

Маълумки, минтақамиз аҳолиси юз йиллар давомида Амударё ва Сирдарёдан сув ичиб келади. Бу дарёлар халқаро меъёрларга кўра, трансчегаравий, яъни бир неча давлат ҳудудини кесиб ўтувчи дарёлар ҳисобланади. Шу боис трансчегаравий дарёлар сувидан самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан-да долзарбдир.

Мазкур муаммо Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича турли лойиҳалар пайдо бўлгач, янада кескинлашди. Бундай қурилишлар ғояси бундан қирқ йилча муқаддам юзага келган бўлиб, бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Баъзи қўшни мамлакатлар эса халқаро ҳуқуқ меъёрларини писанд қилмаган ҳолда, табиий сувга мулк ёки товар сифатида қарамоқда ва бунда атрофдаги мамлакатлар манфаатларини асло ҳисобга олишмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда экологик муаммоларнинг катта қисми трансчегаравий характерга эга. Булар сирасига тоза ичимлик суви танқислиги, миллиардлаб тонна саноат чиқиндилари, тупроқ эрозияси, биохилма-хилликнинг камайиши киради. Шундай бир вазиятда дарё бошланишида жойлашган қўшни мамлакатлар долзарб масалалар оқибатларини ўзаро келишган ҳолда бартараф этиш ўрнига ўз манфаатларини ўйлаб масалани янада чуқурлаштирмоқдалар ва содир бўлиш хавфи юқори бўлган экологик муаммоларни бизнинг мамлакатимиз ҳамда қўшни давлатлар учун янада кескинлаштирмоқдалар.

Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСини қуриш нафақат Ўзбекистон, балки ўз мамлакатлари ва минтақадаги бошқа давлатларга ҳалокатли таъсир кўрсатишини яхши англаган ҳолда, мазкур объект қурилишини охирига етказиш бўйича ишни қайсарларча давом эттираётганлигини тушуниш қийин. Ахир бу ҳаракат кескин вазият ва ҳалокатдан бошқа ҳеч қандай натижа бермайди-ку!

Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолларидан бири, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Кенгаши раиси ўринбосари Саидрасул Сангиновнинг таъкидлашича, Роғун сув омборини қуриш ва ундан энергетик режимда фойдаланиш ичимлик суви таъминотининг кескин ёмонлашувига олиб келади. Натижада сув танқислигидан тахминан 18 миллион одам азият чекади.

С. Сангиновнинг айтишича, мазкур объект лойиҳа параметрларига чиққач уни энергетик режимга ўтказиш вегетацион даврда сув етишмовчилигининг ўртача 22 фоизга кўтарилишига сабаб бўлади, сув тақчилроқ йилларда эса ҳозиргига нисбатан қарийб икки баробарга ошади.

Бу лойиҳани амалга ошириш қандай оқибатларга олиб келиши мутахассис бўлмаган кишига ҳам кундай равшан.

Олимлар ва экспертлар, жумладан, хорижий мутахассислар ушбу объект қурилишининг нафақат самарадорлик ва асослангандик жиҳатидан мутлақо истиқболсиз эканлигини, балки у кучли зилзила кўринишидаги ҳалокатли оқибатларга олиб келиши ҳам мумкинлигини бир неча бор таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК ЭҲТИРОМДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ

***Шукрлар бўлсинки, дориламон кунларда яшаяпмиз. Озод ва обод Ватанда тинч, хотиржам, фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Бундай саодатли кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...***

### Шукрона

Ёшинг бир жойга бориб қолгач, босиб ўтган ҳаёт йўлингга тез-тез назар ташларкансан, киши. Урушни кўрган одам тинчликнинг, осудаликнинг қанчалар бебаҳо неъмат эканини бошқалардан кўра теранроқ англайди. Фарзандларим, набираларимга қараб, уларнинг эртанги кунга ишонч билан интилишлари, яхши яшаш, чиройли турмуш кечириш учун куч ва билимларини ишга солиб астойдил ҳаракат қилаётганликларини кўриб, кўнглим ёришади. Ўзимнинг ёшлик йилларим ёдимга тушиб, бугунги ширин ва фаровон ҳаёт учун Яратганга қайта-қайта ҳамду санолар айтаман.

Ёшим 86 дан ошди. Шукрки, тетикман. Беш фарзандни вояга етказдим, 18 нафар бири-биридан ширин невараларнинг бобосиман. Ишонаманки, уларнинг бахти бутун, келажаги порлоқ. Юртбошимизнинг оқилона сиёсати, мамлакатимизда эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида амалга ошираётган эзгу ишлари туфайли ўтган йигирма йил ичида асрга татигулик натижаларга эришдик. Фахрлансак арзийди, миллий қадриятларимиз тикланди, муқаддас зиёратгоҳларимиз ободонлаштирилди. Аждодларимизнинг руҳини шод айлашдек хайрли юмушларимиз ҳар куни, ҳар гўшада узлуксиз амалга оширилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# ЧИНИҚИШ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мусобақанинг дастлабки босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 1 миллион 600 минг нафардан ортиқ ёшларнинг 740 минг нафари ёки қарийб 50 фоизи иштирок этди. Якуний босқичда эса Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 867 нафар йигит-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашди. Низомга кўра, мусобақалар халқаро Олимпиада талабларига мувофиқ ўтказилди.

"Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинлари мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам ёритиб борилди. Интернет тармоғида очилган махсус сайт(barkamol-avlod.uz)да қизғин беллашувлар ҳақида фотолавҳалар, маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида бериб борилди.

— "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинлари нафақат ёшлар, балки биз, мураббийлар ҳаётида ҳам бир умр эсда қоладиган катта воқеа бўлди, — дейди стол тенниси бўйича Андижон вилояти терма жамоаси бош мураббийси А. Шириев. — Спортнинг ушбу тури бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдик. Терма жамоамиз зафарига, айниқса, Андижон олимпия захиралари коллежи ўқувчиси, Ўзбекистон чемпиони Элмурод Холиқов муносиб ҳисса қўшди. Ёшларимиз эришган ушбу муваффақият уларни янги-янги марраларни забт этишга ундаши, шубҳасиз.

...Термиз шаҳридаги "Сурхон" спорт мажмуаси стадиони байрамона безатилган. Чорлов мусиқаси янграйди. Спорт ўйинларининг энг ҳаяжонли дақиқалари бошланади. Майдонга "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндорлари чиқиб келадилар. Якуний натижаларга кўра, Тошкент шаҳри ўқувчи-спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи, Сурхондарё вилояти вакиллари иккинчи, Хоразм вилояти спортчилари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — "Дамас" автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сурхондарё ва учинчи поғонадан жой олган Хоразм вилояти жамоаларига Президент совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди. Турли номинациялар бўйича ғолибларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар берилди.



Мусобақалар давомида ёшларни курашга, ғалабага ундаб турган "Баркамол авлод — 2011" машъаласи оҳиста сўндирилди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинлари байроғини мусобақанинг навбатдаги мезбони — Наманган вилояти вакиллари қабул қилиб олишди. Тадбир юртимизнинг таниқли санъаткорлари чиқиши билан ниҳоясига етди.

Шу қувончли дамларда "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинлари иштирокчилари мамлакатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ўтказилган бу мусобақаларга мезбонлик қилган сурхондарёликларга миннатдорлик билдириб, "Наманган вилоятида кўришгунча!" деган эзгу ният билан хайрлашдилар.

"Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**махсус мухбирларимиз.**



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси томонидан "Экологик муаммоларни ҳал этишда суғурта институтининг роли: муаммо ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.***

# ЭКОЛОГИК СУҒУРТА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Тадбирда таъкидланганидек, дунёда экологик муаммолар долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда мамлакатимизда табиатни асраб-авайлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда экологик суғуртани шакллантириш, атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролар жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш белгилаб берилганини қайд этиб ўтдилар. Шу билан бирга, экологик суғуртани амалга ошириш тартиби, суғурта таърифи ва миқдори, атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида фуқароларга етказилган зарарни аниқлаш ҳамда тўлаш тизимини ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этаётир. "Экологик суғурта тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши бунинг амалий ифодасидир. Зеро, шу орқали табиатга кўрсатилаётган салбий таъсир кўламини камайтириш, соҳада суғурта тизими фаолиятини муваффақиятли таъминлаш, натижада табиат мусаффолиги ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш имконияти яратилади. Давра суҳбатида экологик муаммолар ва уларнинг оқибатлари, экологик суғурта зарурати, унинг иқтисодий асослари, бу борадаги халқаро тажриба хусусида атрофлича маълумот бериб ўтилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

# АЗАЛИЙ ДЎСТОНА ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликка оид долзарб йўналишларни қамраб олган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 150 дан ортиқ халқаро шартномалар икки мамлакат муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан қўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига яқин ва ўхшашдир. Халқаро ташкилотлар доирасидаги, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги амалий ва самарали ҳамкорлигига мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Туркманистон Ўрта Осиёдаги сув-энергетика соҳасидаги муаммоларга оид масалалар бўйича ушбу муаммоларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари асосида, минтақанинг барча мамлакатлари манфаатлари ва розилигини инобатга олган ҳолда муҳокама этиш лозим, деган қатъий умумий позицияни намоён этмоқда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Жорий йилнинг февраль ойида навбатдаги, олтинчи мажлиси ўтказилган Ўзбекистон — Туркманистон Ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг самарали фаолияти ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзаро товар айланмаси ҳажми изчил ўсиб бормоқда ва 2010 йил якунлари бўйича қарийб 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Лекин бу ҳали Ўзбекистон ва Туркманистон имкониятларига тўла мос кўрсаткич эмас.

Ўзбекистон ва Туркманистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг нефть ва газ соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Муҳим стратегик хом ашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган "Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой" трансмиллий газ қувурининг қурилиши бўйича йирик лойиҳанинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига яққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишдир. Мамлакатларимиз мунтазам юк ташишда учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтаётгани Ўзбекистон ва Туркманистоннинг катта транспорт салоҳиятидан далолатдир.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда "Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар" янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича имзоланган битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича келишувга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг октябрь ойида Туркманистонга расмий ташрифи чоғида эришилган эди. Мазкур кўп томонлама лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратади, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан Ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барча мамлакатлари фойда топади.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Ушбу соҳадаги ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил октябрь ойида Туркманистонга расмий ташрифи асносида имзоланган Маданий-гуманитар соҳада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини таъкидлаш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг маданият ҳамда санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестиваль, кўргазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, туркманистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Тошҳовузда 2010 йил октябрь ойида бўлиб ўтган ёрқин ва унутилмас воқеаларга бой бўлган Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг дўстлик фестивали халқларимизнинг бой ва ўзига хос маданияти намойишига айланди. Ушбу форум мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдаги муштарак интилишларининг ифодаси, ўзбек ва туркман халқлари азалий дўстлигининг ёрқин рамзи бўлди.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда Туркманистонда яшаётган ўзбеклар ва Ўзбекистонда яшаётган туркманлар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа барча миллат ва элатлар вакиллари қаторида туркман миллатига мансуб фуқароларни ҳам қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳар томонлама ижтимоий, маънавий ва маданий ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бу миллий маданият, она тили, урф-одат ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришда катта имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида туркман миллатига мансуб қарийб 170 минг аҳоли яшаяпти, 46 мактабда туркман тили ўқитилаётир, 24 мактабда эса ўқиш тўлиқ туркман тилида олиб борилмоқда.

Юртимизда 2001 йил 7 майда ташкил этилган Республика туркман маданият маркази томонидан фаолияти мувофиқлаштириб борилаётган 7 туркман миллий маданият маркази иш олиб бораётир.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг жорий йил 5-6 май кунлари мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**«Жаҳон» АА.**

# САЙЛОВГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛДИ

***Андижон шаҳрида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари раислари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, "Маҳалла" жамғармасининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.***

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Семинарда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ролини ошириш, улар ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес марказига айлантириш, пировардида фуқаролик жамиятини шакллантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу мақсадларга эришишда сайловни қонуний, очиқ-ошкора ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

— Сайловни юксак савияда ўтказиш масаласи халқ депутатлари Хўжаобод тумани Кенгашининг кенгайтирилган сессиясида кўриб чиқилди, — дейди туман кўмаклашувчи комиссияси раиси Толибжон Шерматов. — Мавжуд 42 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди. Илгариги сайловларда тўпланган тажрибалар асосида ишчи гуруҳларга маҳаллада обрў-эътиборли, қишлоқнинг паст-баландини яхши биладиган, айниқса, ҳар жабҳада фидойилик кўрсатадиган фаоллар танлаб олинди.

— Жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, — суҳбатга қўшилди Олий Мажлис Сенати аъзоси Парида Араббоева. — Бунда, асосан, фуқаролар йиғини раиси лавозимига олий маълумотли, бой ҳаётий тажрибага эга, адолатли, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларни пухта эгаллаган номзодларни танлашга эътибор қаратилмоқда. Чунки маҳалла оқсоқоли ўша ҳудуднинг юз-кўзи, обрўси, виждони ҳисобланади. Оқсоқол ўз ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг қувончу ташвишларига шерик бўла олиши, уларни ўз ортидан эргаштира билиши зарур.

Шунингдек, тадбирда Андижонда сайловга пухта ҳозирлик кўрилганлиги алоҳида айтиб ўтилди. Вилоятдаги 6 та шаҳарча, 94 та қишлоқ ва 866 та маҳалла фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлари тузилди. Улар таркибига халқ таълими, маданият ходимлари, шифокор ва фермерлар киритилди. Айни чоғда семинарда сайлов қонунчилиги, тайёргарлик ҳолати ҳамда эндиги босқичда амалга ошириладиган вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Шундан сўнг муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

**инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантиришда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида"ги фармойиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур фармойишни бажариш юзасидан Асосий Қонунимизни ўрганиш бўйича изчил тизим яратилди ва тегишли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда соҳага доир рисолалар чоп этилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури дунё парламенти амалиётида мавжуд эмас. Унда аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий билимларни турмушда қўллай билиш кўникмаларини ривожлантиришнинг кенг қамровли, изчил тизимини яратиш вазифа қилиб белгиланган.

Қонунларимиз асосларидан хабардор бўлиш аҳоли ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг, одоб-ахлоқимизга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда, фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Зеро, қонунлардан яхши хабардор кишиларгина уларга риоя қилади, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда уларни қандай рўёбга чиқаришни билади. Бундай инсон ўзини ҳам, оиласини ҳам, халқи, давлатини ҳам ҳимоя эта олади. Қонун талабларига қатъий риоя этиш, қонунларимизга ҳурмат кўрсатиш, қонун олдида ҳамма — мансабдор шахс ва оддий фуқаро ҳам, эркак ва аёллар ҳам, ёшлару кексалар ҳам, тадбиркорлару давлат хизматчилари ҳам — тенг ва масъул эканини, бу борада ҳеч кимга имтиёз берилмаслигини чуқур идрок этиш, ана шу қадриятларни инсон онгига чуқур ва мукаммал сингдириш давримизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича янги Миллий дастур ишлаб чиқиш ва қабул қилиш долзарб масала бўлиб турибди. Бу масаланинг долзарблиги ва аҳамияти шундаки, у аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашни кўзлайди. Айни пайтда дастур самараси аҳоли барча қатламлари ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишларида, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини талаб қила билиш даражасига эришишларида намоён бўлади. Шу билан бирга, мазкур дастур Конституция ва қонунлар устунлигини амалда таъминлаш, жамиятда демократик қадриятларни кенг ва чуқур жорий қилиш, ҳамманинг қонун олдида тенглигини тўла-тўкис ва ҳар томонлама қарор топтириш механизмларини шакллантиришга йўналтирилади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини қабул қилишнинг муҳим ва долзарб аҳамиятини унинг олдига қўйиладиган бир қатор вазифаларда ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, унга биноан, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришишни мўлжаллайди. Айни чоғда аҳоли ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш ҳам бу борадаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур устувор вазифалар доирасида, шунингдек, давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарини ифодаловчи ҳуқуқий сиёсат ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ҳам бор. Ўз навбатида, ҳуқуқий билимларнинг юксак даражада ривожлантирилиши, жамиятда кенг ва фаол ҳуқуқий онгнинг, давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар хилма-хиллиги ва тизимининг шакллантирилиши талаб этилади. Инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасига эришилиши, тўпланган барча ҳуқуқий тажриба, бой тарихий-ҳуқуқий меросимизнинг оммага етказилиши, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар: Конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ҳуқуқ ижодкорлиги маданиятини, юридик техника даражасини ошириш, масалан, вакиллик органлари ва давлат бошқаруви хизматчиларининг ҳуқуқий билимларини, дунёқарашини, ҳуққа ёндашувини юқори савияга кўтариш ҳам миллий дастурнинг муҳим вазифаларидандир. Ҳуқуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг қонун меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқи, бурчларини бажариши, уларни англаб олишига эришиш, ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглигини амалда таъминлаш талаб этилади. Зеро, буларнинг барчаси, ўз навбатида, давлат ва жамият тизимидаги ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар бир фуқаро, маҳалла, корхона, ташкилот ва давлат органлари ходимларининг юртимизда амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишида муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**
**ТДЮИ доценти.**

# РОҒУН ГЭСИ МИНТАҚА УЧУН ҲАЛОКАТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, бу ҳақда Япониядаги Цукуба университети профессори Керол Фошер нима дейди:

— Бизга маълумки, Тожикистон ҳукумати Амударё трансчегаравий дарёсининг юқори қисмида Роғун ГЭСини барпо этмоқчи. Бу юқори сейсмик ҳудудда улкан тўғон қуриш мутлақо мантиқсизлик эканлигини таъкидлаш лозим. Роғун ГЭСи каби улкан сув иншоотини қуришга киришишдан олдин мустақил халқаро экспертиза ўтказиш, бу каби қурилишнинг оқибатларини батафсил ўрганиш керак.

Аввало, бу лойиҳанинг Амударё суви миқдорига ва оқимига қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш керак. Яна шуни ёдда тутиш лозимки, кескин континентал иқлимга эга мазкур минтақа аҳолисининг тақдири бевосита ичимлик ва суғориш суви миқдорига боғлиқ.

Бельгия Қироллик археология академияси аъзоси, профессор Жан Бланкофф эса Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича ниятининг фавқулоддалигини таъкидлаб, бу борада ўйламасдан босилган қадамлар оқибатларини мулоҳаза қилиб кўришга чақирди.

— Шуни англаш лозимки, ҳатто энг мустаҳкам тўғон ҳам улкан сув босимига бардош бера олмай истаган пайтда бузилиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда қанча одам қурбон бўлишини ким айта олади? Миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳалокат юз бериши турган гап, — дея таъкидлади Жан Бланкофф.

— Роғун ГЭСи қурилиши бутун минтақага катта хавф солади. Бундай иншоотларни қуришдан олдин уларнинг оқибатларини холисона ва малакали тарзда ўрганиб чиқиш керак, — дейди Жанубий Корея Атроф-муҳитни ўрганиш миллий институти директори Хо Сёк Сонг.

Тожикистон Фанлар академияси Сейсмология институти собиқ директори, академик Собит Негматуллаевнинг фикрича, яқин ўн йиллик ичида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида Япониядаги сингари кучли зилзила кутилмоқда. Бу соҳада катта билимга эга мутахассис С. Негматуллаев Душанбедан тарқалаётган асоссиз, енгил-елпи ва юпатувчи сўзларга эмас, илмий далилларга таянади.

Халқаро майдондаги шунча гап-сўзлардан кейин ҳам Тожикистон Энергетика ва саноат вазири Шерали Гулнинг оммавий ахборот воситаларига берган баёноти янада ҳайратланарли. Вазир ўз баёнотида экспертиза хулосаларидан қатъи назар, Роғун ГЭСи қурилишининг техник параметрлари ўзгартирилмаслигини айтади. "Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолади", дея амалдорнинг сўзларидан иқтибос келтиради оммавий ахборот воситалари.

Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам қурилиш эски лойиҳа бўйича амалга оширилади. Демак, станциянинг қуввати ва ундаги тўғон баландлиги билан боғлиқ таҳликали параметрлар сақланиб қолади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон сув ҳамжамияти халқаро ташкилотларида, масалан, Бутунжаҳон сув кенгашида, Халқаро ирригация ва дренаж бўйича комиссияда, Глобал сув ҳамкорлигида ва бошқа халқаро ҳаракатларда фаол иштирок этади. Шу муносабат билан Европа сув директивасининг ажойиб тажрибасига эътибор қаратиш мумкин. Унга кўра, сув энергетикаси билан боғлиқ барча қурилишлар ҳар томонлама қатъий экспертизадан ўтказилади. Шу билан бир қаторда, юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади.

Шу ўринда мантиқий савол туғилади: трансчегаравий дарёларнинг табиий гидрологик режими нимага асосланган ҳолда ўзгартирилади? Дарёларнинг қуйи оқимида яшовчи аҳоли сув билан қандай таъминланади? Нега ўз фойдасига ишлатилган сув бошқа мамлакатлар ҳудудига улар билан келишилмаган ҳолда ташлаб юборилади? Сунъий равишда юзага келган сув тошқинлари ва қурғоқчиликнинг зарарини ким қоплайди?..

Мутахассислар қайта-қайта такрорлаганларидек, энергетика муаммоларини кичик ГЭСлар қуриш йўли билан ҳам ҳал этиш мумкин. Улар дарёлар оқимини ўзгартирмайди, бунинг устига кам харажат талаб қилади.

Ўйлаймизки, жаҳон ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳужжатлар бу ҳаётий саволларга жавоб бўла олади. Бундай халқаро ҳужжатларнинг энг муҳимлари халқаро сув ҳуқуқи бўйича БМТ доирасида қабул қилинган асосий кўп томонлама универсал келишувлар — 1992 йил 17 мартда қабул қилинган Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция ҳамда 1997 йил 21 майда қабул қилинган Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциядир.

Ўзбекистон бу конвенцияларга қўшилиш билан халқаро сув ҳуқуқининг меъёр ва принципларига ҳурмат билан қарашини ва хайрихоҳлигини исбот қилди. Чунки мамлакатимиз бу борада аниқ позицияга эга — сув масалаларини минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак. Конвенцияларда трансчегаравий сув захираларидан ўз ҳудудида адолат ва ақл-идрок тамойиллари асосида фойдаланадиган барча томонлар манфаатлари ҳисобга олинган. Ва бу ерда асосий тамойил ҳеч кимга зарар келтирмасликдир.

**Салим ДОНИЁРОВ.**



# МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР НАМОЙИШИ

***Ҳар бир халқнинг асрлар оша эъзоз топиб келаётган ўзига хос урф-одатлари ва таомиллари бор. Уларнинг барчаси миллий ўзликни асраб-авайлашга, қадриятлар бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу, айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида жуда муҳимдир.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир вазирликнинг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан ташкил этилди. 2000 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль ранг-баранг урф-одатларни намоён этиш, улар билан иштирокчиларни яқиндан таништириш борасида Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатларнинг маданий ҳордиқ чиқаришида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Фестиваль**

Бу галги кўргазмада АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Франция, Буюк Британия, Италия, Польша, Швейцария, Россия, Малайзия, Озарбойжон, Туркманистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон, Эрон каби ўттиздан ортиқ давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда байналминал маданият марказлари вакиллари иштирок этишди.

— Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси мувaққат ишлар вакили Чжан Вей. — Бу, албатта, бир қитъада жойлашган икки халқнинг орзу-истакларига тўла мос тушади. Мана бундай тадбирлар эса дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бундай самимий дил сўзларини Буюк британиялик санъаткор Стивен Хиллдан ҳам эшитдик:

— Ўзбекистонга келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин юртингизнинг гўзаллигини ҳис этиш учун шу қисқа даврнинг ўзи кифоя қилди. Мен туғилиб ўсган Лондонда бинолар шундай зич ва тиғиз жойлашганки, ҳатто, нафас олишга қийналасан, киши. Тошкентда эса кенг ва равон йўллар, миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган иншоотлар ҳамда гўзал табиат манзаралари ҳайратимни оширди. Айниқса, халқингиз санъати мени ўзига мафтун этди. Фестиваль баҳонасида ўзбек халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати намуналари билан яқиндан танишдим. Одамларнинг самимийлиги менда жудаям катта таассурот қолдирди. Юртимга қайтганимдан сўнг ҳамкасбларимга, яқинларимга шулар ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Тадбир иштирокчилари корейсларнинг кимчиси, итальянларнинг пастаси, хитойча лағмон, ҳиндларнинг ладуси каби миллий пазандачилик маҳсулотларидан ҳам татиб кўрдилар. Турли халқ вакиллари миллий либослари, рақсларини томоша қилиб, куй-қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар.

**М. САИДЖОНОВ.**
**Н. ҲАЙДАРОВ**
**олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 3 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1853,43 | 1 Россия рубли | 61,62 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2825,57 | 1 Украина гривнаси | 212,77 |
| | | 1 Малайзия ринггити | 572,37 |
| 1 Дания кронаси | 336,32 | 1 Польша злотийси | 636,78 |
| 1 БАА дирҳами | 461,46 | 1 СДР | 2747,20 |
| 1 АҚШ доллари | 1694,80 | 1 Туркия лираси | 1113,46 |
| 1 Миср фунти | 285,08 | 1 Швейцария франки | 1952,76 |
| 1 Исландия кронаси | 15,29 | 1 евро | 2490,30 |
| 1 Канада доллари | 1787,76 | 10 Жанубий Корея вони | 15,88 |
| 1 Хитой юани | 261,16 | 10 Япония иенаси | 208,05 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



***Ҳар бир мамлакатнинг куч-қудрати бевосита унинг иқтисодиёти билан ҳам белгиланади. Зеро, иқтисодиёт нечоғли ривожланган бўлса, давлат ҳам шунчалик кучли, шунингдек халқнинг турмуш даражаси эса фаровон бўлади. Шу боис бозор шароитида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада юртимизда иқтисодиётнинг потенциал имкониятлари сафарбар этилиши билан бир вақтда аниқ мақсадга йўналтирилган ва ҳар томонлама пухта ўйланган иқтисодий ривожланиш стратегияси амалга оширилмоқда.***

# ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ, ЯҚИН КЎМАКДОШ

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки давлатимиз томонидан белгиланган масъулиятли вазифаларни бажариб, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда, кенг доирадаги замонавий банк хизматларини тақдим этишда фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, корпоратив мижозлар бизнесини ривожлантириш Миллий банкнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, айланма ҳамда асосий сармояни молиялаш, инвестиция хизматлари, кредит йўналишлари, савдони молиялаш, "Банк-мижоз" масофадан хизмат кўрсатиш тизими каби ва кенг доирада таклиф этилаётган операциялар — тезкорлик ҳамда ишончлилик кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, банк юридик шахсларнинг ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, тўловларни амалга ошириш ва барча турдаги ахборот хизматларини ҳам таклиф этмоқда.

Ҳисобот даврида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Наманган вилояти бўлими томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларига 7,4 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Қишлоқ хўжалигига 4,8 млрд. сўм, саноат соҳасига 76 млн. сўм, қурилиш соҳасига 135 млн. сўм, транспорт соҳасига 79 млн. сўмлик кредитлар ажратилганлиги шулар жумласидандир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўлимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда хусусий тадбиркорлар томонидан молия муассасасига тақдим этилаётган лойиҳалар ўз вақтида кўриб чиқилиб молиялаштирилмоқда. Хизмат турлари кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилаётгани банк мижозлари сонининг янада ортишига олиб келаяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йил сайин ортмоқда. 2011 йилнинг биринчи чорагида шу мақсадга йўналтирилган маблағ 4,17 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 баробар кўп, демакдир. Ушбу маблағлар ҳисобига йил бошидан буён юзга яқин иш ўринлари яратилди.

Аҳоли фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, айниқса чорвачиликни юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, Юртбошимиз томонидан 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Бўлим мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ҳам сезиларли иш олиб бормоқда. Масалан, банк 2011 йилнинг биринчи чорагида ўз маблағи ҳисобидан бу йўналишга 96,6 млн. сўм миқдорида кредит ажратгани бунга ёрқин мисолдир.

Бўлим тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда Халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағларидан фойдаланиш тажрибасига ҳам эга. Ўтган 2010 йилда Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит йўналиши бўйича 598,5 минг АҚШ долларилик молиялаштириш амалга оширилди. Ҳозирги кунда ушбу банкнинг учинчи кредит йўналиши маблағи ҳисобидан умумий қиймати 1,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 3 та лойиҳа молиялаштирилиш арафасида.



**Молия муассасаларида**

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам хусусий тадбиркорликка йўналтирилаётгани аҳамиятлидир. Тадбиркор аёллар фаолиятига ажратилаётган кредитлар 2011 йилнинг биринчи чорагида 146 млн. сўмни ташкил этди.

Наманган шаҳридаги "Носиржон Мунис" хусусий корхонасига 10 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу маблағга корхона раҳбари Ҳулкархон Умарова 9 та тикув машинасини харид қилиб, 10 та иш ўрни яратди. Шунга мос равишда маҳсулот ҳам ишлаб чиқара бошлади. Ҳозир хусусий корхонада тайёрланаётган миллий услубдаги аёллар кийимларига харидорлар тобора кўпаймоқда.

Бўлимда омонатчилар билан ишлашнинг талаб даражасида йўлга қўйилгани аҳоли бўш пул маблағларининг банк депозитларига жалб этилишини ва бу маблағларнинг банкдан ташқари айланмаси қисқартирилишини таъминламоқда. Агар 2010 йилнинг биринчи чорагида омонатлар умумий суммаси 5,52 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг шу даврида бу маблағ 7,98 млрд. сўмга етди.

Бўлим томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг бажарилишига катта эътибор қаратилаётгани хизмат кўрсатишнинг бу турида ҳам яхши натижаларга эришишга асос бўлмоқда. Ҳозир вилоятдаги савдо тармоқларида 508 та (2010 йилнинг биринчи чорагида 404 та) терминал ўрнатилган бўлиб, улар орқали 15,7 млрд. сўм маблағ ўтган (2010 йилнинг биринчи чорагида 8,3 млрд. сўм). Бўлим томонидан ҳисобот даврида 2018 та пластик карточка муомалага чиқарилган. Карточкаларнинг умумий сони эса 100 823 тани ташкил қилмоқда.

Иш ҳақи лойиҳаси бўйича карточкалар сони 22 214 тани ташкил қилмоқда. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2000 донага кўп. Пластик карточкалар орқали



амалга оширилган операциялар натижасида 16,2 млрд. сўм муомалада бўлган. Бугунги кунда карточкаларга ўтказилган маблағлар суммаси 11,4 млрд. сўмни ташкил қилмоқда ва бу ўтган йилдагига нисбатан 80,9 фоиз кўп демакдир.

Шуниси эътиборга лойиқки, бўлимда тадбиркорлар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган. Бунинг учун "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилгани эътиборга лойиқ. "Тадбиркорлар хонаси"да давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик фаолиятига оид фармонлари, кредит олиш тартиб-қоидалари ва шартлари билан танишиш мумкин.

— 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани молия муассасаларига жуда катта масъулият юклади, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Наманган вилояти бўлими бошқарувчиси Содиқжон Раҳматов. — Қабул қилинган Давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизмини янада такомиллаштириш ва ҳажмини ошириш, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ишимизни янада такомиллаштириш ҳаракатидамиз. Мақсадимиз, "мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга бундан буён ҳам сифатли молиявий хизмат кўрсатишдир.

Мухтасар айтганда, молия муассасалари ўз фаолиятини қанчалик такомиллаштириб борса, бу мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашга шунчалик муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Ушбу ҳақиқатни теран англаган Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Наманган вилояти бўлими жамоаси ҳам жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириб, юқори натижаларга эришишига, шу тариқа мижозларнинг ишончига сазовор бўлишига шубҳа йўқ.

**Эркин ҚАМБАРОВ.** t

«FITO SEMILASS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили
Испаниядан келтирилган
маккажўхори ва чим уруғларини
биринчи экин учун таклиф қилади.
Маълумот учун телефонлар:
(+99897) 100-83-13, (+99898) 313-83-13, (+99893) 382-56-57.
(+99871) 257-44-01, (+99871) 257-44-03, (+99871) 257-58-61(факс).
УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
575R/503

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 x 600 мм,
610 x 610 мм.
Ассортимент 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
36R/1238

Россия линолеуми
Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
111R/56

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02




ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
227R/227

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фестиваль дастурга мувофиқ, қадимий Арк қалъасидан карнай-сурнай садолари остида халқ сайли билан бошланди. Бахшилару қизиқчилар, халқ оғзаки ижоди вакиллари, қўғирчоқбозу масхарабоз, раққосаю созандалар, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фольклор жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Қалъадан Пойи калон мажмуига қадар чўзилган ва сўлим Лаби Ҳовуз бўйигача давом этган мусиқий халқона чиқишларда ҳар бир гўшанинг урф-одатлари, маросимлари, анъаналари ўз талқинини топди. Дорбозларнинг чиқишлари арқон тортиш, тош кўтариш, "Оқ теракми, кўк терак" каби миллий ўйинларга уланиб кетди. Фестиваль чинакам халқ сайлига айланди.



— Бир гуруҳ дўстларимиз билан Бухоро шаҳрини томоша қилгани келгандик, — дейди ўзини Қўқон шаҳриданман деб таништирган Баҳромжон Умаров. — Омадимиз бор экан, "Асрлар садоси" фестивалини кўриш бахтига муяссар бўлдик. Миллий ўйинларимиз қайта тикланиб, асраб-авайланаётганидан жуда хурсандмиз. Кўриб турганингиздек, ўзимиз ҳам йигитлар билан арқон тортиш ўйинида кучимизни синаб кўрдик.

Дарвоқе, халқ ўйинлари ҳақида: Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳовлисида ташкил этилган миллий кураш бўйича мусобақа ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Арк қалъаси ёнида ташкил этилган қўчқор ҳамда хўрозлар жангини томоша қилгани тумонат одам йиғилдики, асти қўяверасиз.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим, — дейди франциялик сайёҳ Кристиан Кутурэ. — Халқингиз жуда самимий, кўнгли очиқ экан. Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу инсонлар билан мулоқотга тез киришасан, киши. Бу жуда ёқимли. Фестиваль менда унутилмас таассурот қолдирмоқда. Миллий мусиқа, ранг-баранг либослар жозибасидан ҳайратландим.

Фестиваль дастури доирасидаги декоратив-амалий санъат кўргазмасида зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кулоллик каби ҳунармандчилик турлари билан шуғулланиб, юртимиз шуҳратини дунёга ёйётган кўплаб қўлигул усталарни кўриш мумкин эди. Уларнинг ҳаётлари, тақдирлари, ижодларида "Асрлар садоси" тобора муҳим аҳамият касб этаяпти. Мана, бухоролик каштачи Зулайҳо Каримовани олиб кўринг. У 2008 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида бўлиб ўтган мазкур фестивалда олий ўринни қўлга киритган ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси кўмагида Шотландияда сўзаналар кўргазмасини ташкил этиб, хорижликлар учун каштачиликдан маҳорат машғулотларини ҳам уюштирган эди.

— Ўшанда нуроталик ҳамкасбим Рухсора опа билан бирга ўтказган машғулотларимиз шотландияликларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини оширган, халқ амалий санъатининг ажралмас бир қисми саналган каштачилик маҳсулотларимиз уларни лол этган эди, — дейди Зулайҳо Каримова. — Биз шу ҳунарни асраб-авайлаб, уни ёшларга ўргатаётганимиздан мамнунмиз.

— Япония, АҚШ, Франция каби қатор давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этганман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, ғиждувонлик кулол Алишер Нарзуллаев. — Аммо "Асрлар садоси"да қатнашишнинг гашти бўлакча. Бу ерда неча минг йиллик тарихга эга меросимиз бутун жозибаси билан бўй кўрсатиб турибди. Шогирдларим билан юздан зиёд турдаги маҳсулотларни кўргазмага қўйганмиз.

Фестиваль дастури доирасидаги тадбирлардан яна бири қадимий Нодир Девонбеги хонақосида ташкил этилди. Бу ерда хаттотлик санъати мутахассиси, Даито Бунка университети (Япония) профессори Коичи Хонданинг "Бухорои шарифга бағишлов" деб номланган кўргазмаси очилди. Тадбирнинг очилиш маросимида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспиналь сўз олиб, қадимий Бухоро шаҳрида шундай кўргазманинг очилиши рамзий маъно касб этишини таъкидлади. Чунки кўҳна шаҳарнинг ҳар бир обидасида хаттотлик санъатининг юксак намуналарини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан фестивалда "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" китоби тақдимотининг ўтказилгани "Асрлар садоси" илмий йўналишни ҳам қамраб олаётганидан далолатдир.

— Бухорога биринчи маротаба келишим, — дейди Австралиянинг Сидней шаҳрида яшовчи Керри Уолшол. — Фольклор дасталарининг чиқишлари, миллий рақслар, халқ ўйинларини кўриб, либослар фестивали, таомлар кўргазмасини кузатиб, ўзбек халқининг маданияти буюк эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу фестиваль шахсан менга Ўзбекистоннинг бой маданияти билан янада яқинроқ танишиш имконини берди.

Дарҳақиқат, кўҳна ва навқирон Бухоро икки кун давомида байрам оғушида бўлди. Фестиваль дилларга қувонч, завқу шавқ улашди. У кўз қорачиғидек асраб-авайланиб келинаётган миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни яна бир бор дунёга намоён этди. Қатор давлатлардан келган меҳмонлар, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари маҳобатли Пойи калон мажмуасида "Асрлар садоси — 2011" совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этишди.

Фестивалда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган бахшилар — қашқадарёлик Раҳимбобо Хўжамқулов, сурхондарёлик Бахшиқул Тоғаев, қорақалпоғистонлик Бахтиёр Есемуратов, Сурхондарёнинг "Дашнобод анори", Хоразмнинг "Хоразм", Қорақалпоғистоннинг "Аму тўлқини", Фарғонанинг "Чодир жамол", Сирдарёнинг "Камалак", Бухоронинг "Миришкор", "Вордонзи наволари" фольклор жамоалари, ҳунармандлар — бухоролик Феруз Жўраев, Нурмуҳаммад Султонов, Мавлуда Назруллаева, тошкентлик Бахтиёр Раҳимов, Баҳодир Хожиметов, ошпазлар — бухоролик Умар Латипов, хоразмлик Алишер Рўзметов каби ўз касбининг усталарига диплом ва совринлар топширилди.

Тадбир эл суйган санъат усталари ва фольклор жамоаларининг тантанали гала-концерти билан якунланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ЮКСАК ЭҲТИРОМДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизнинг Гулистонни айтмайсизми? Бугун шаҳримиз "Мирзачўл марвариди" деган ном олган. Бу ерда барпо этилаётган коллежу лицейлар, спорт мажмуалари, ёшлар марказлари, санъат ва маданият кошоналари шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Бунёдкорлик юмушлари маҳаллаю хонадонларга ҳам кўчган — одамларимиз тўю тантаналарга мўлжаллаб уй-жойларини обод қилмоқдалар.

Шаҳримизда нуронийларга бекиёс ҳурмат-эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади. Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни олдидан эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, шу кунларда турли маънавий-маърифий йиғинлар, байрамона тадбирлар ташкил этилмоқда. Куни кеча тенгдош дўстларим — Икромали Ҳайдаров, Қаршибой Сатторов билан бирга Ёшлар марказида навқирон авлод вакиллари билан учрашдик. Кўзлари ёниб турган бу ўғил-қизларга ўзимизнинг болалигимизни, ўспиринлик давримиз урушга бориб, оғир кунларни бошдан кечирганларимизни сўзлаб бердик. "Ватанга муҳаббатли, садоқатли фарзанд бўлинглар, тинчлик ва фаровонликдек бебаҳо неъматнинг қадрига етинглар", деб насиҳат қилдик. Тўғри-да, ўтмиш ўз йўлига, эътибор берсангиз, бугун ҳам бошқа мамлакатларда турли офату тўс-тўполонлар содир бўлмоқда. Ойнаи жаҳон орқали бундай ачинарли ҳолатларни кўриб, беихтиёр ўз ҳаётинг ҳақида ўйлайсан. Менимча, оқиллик ва аҳиллик бор ерда тинчлик ҳукмрон бўлади, юрт тараққиёт сари одимлайверади. Мазкур ҳақиқатни ёшларимиз теран англашлари, ҳамиша ва ҳар ерда қатъиятли, журъатли бўлишлари лозим. Зеро, бу буюк оталар-боболаримизнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, она-Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, деганидир.

**Бектурсин ПИРМАТОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
Гулистон шаҳри

# ЭЪТИБОР, МАСЪУЛИЯТ ВА РАҒБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, депутатлар, сенаторлар, фахрий журналистлар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократикислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бугун юртимизда 1 минг 226 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 649 таси нодавлат секторга тегишлидир.

Президентимиз Ислом Каримов таклиф этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Уларнинг амалга оширилиши эса фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқини янада кенгроқ татбиқ этиш учун имкон яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Бу жараёнда журналистларнинг маҳорат ва истеъдодини ошириш, уларда танқидий фикрлаш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, соғлом ижодий рақобат муҳитини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу йил олтинчи маротаба «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов давр шиддати билан ҳамнафас яшаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва юксак самараларини, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни халқимизга тезкор, холис ва ҳаққоний етказаётган журналистлар меҳнатининг ўзига хос эътирофидир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида ўтказилган мазкур танлов Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди. Телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларидаги ушбу танловга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда танловда 451 журналист 6,7 мингдан ортиқ ижодий иши билан қатнашган бўлса, бу йил танлов ҳайъатига 562 журналистдан 7,7 мингдан ортиқ ижодий иш қабул қилинди.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг «Озод юрт тўлқинлари» медиафестивали лойиҳаси (раҳбари Фирдавс Абдухолиқов) махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий матбуот ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ғолиблари ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, БМТ, Жаҳон банки, ЮНЕСКО сингари халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз мукофотларини топширди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз журналистикаси ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида қалам аҳлининг эл-юртимиз олдидаги ҳурмати тобора ошиб бормоқда, — дейди "Еркин Қарақалпақстан" газетаси бўлим муҳаррири Пухарбай Тлеумуратов. — Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ўзгаришларни оммага тезкорлик билан етказиш юзасидан кўплаб материаллар тайёрлаб, сайтимизга изчил қўйиб бораётирмиз.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ РЎЙХАТИ

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**

**Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали** — лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдухолиқов. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти учун

**Асосий номинациялар**

***Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):***

1-ўрин:
**Собиржон Турдиев** — "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририяти сиёсат, иқтисод ва халқаро ҳаёт бўлими бошлиғи. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳамда халқаро майдонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кенг ёритган кўрсатувлари учун

2-ўрин:
**Мастура Фармонова** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти муҳаррири. "Баркамол авлод йили", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурлари ижросига бағишланган "Юрт меҳри" кўрсатувлари учун

**Зилола Худойқулова** — ЎзЭОАВМАга аъзо "Истиқлол" телевидениеси бош муҳаррири (Бухоро вилояти). Халқимизнинг бой маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга бағишланган туркум кўрсатувлари учун

3-ўрин:
**Фарҳод Хожиев** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали "Янги жамият" студияси катта муҳаррири. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни атрофлича ёритгани учун

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

1-ўрин:
**Гулназ Нурбекова** — ЎзМТРК Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси муҳаррири. Ёшларга мўлжалланган "Вақт", "Хайрли тонг" ҳамда "Наупир" туркумидаги эшиттиришлари учун

2-ўрин:
**Елена Петрусевич** — "Водий садоси" радиостанцияси муҳаррири. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросига бағишланган эшиттиришлари учун

3-ўрин:
**Шоҳиста Қосимова** — ЎзМТРК "Тошкент" телерадиоканали муҳаррири. Экология муаммоларига бағишланган "Табиат ва биз" ҳамда "Бевосита мулоқот" туркумларидаги эшиттиришлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):**

1-ўрин:
**Воҳид Луқмонов** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири. Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларнинг самаралари ҳамда қулай инвестицион муҳит яратилганини кенг ёритган материаллари учун

2-ўрин:
**Бекзод Шукуров** — "Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири. Сиёсий партиялар фаолиятига бағишланган туркум мақолалари учун

3-ўрин:
**Шоҳидбек Аслонов** — "Маънавият" газетаси бўлим мудири (Фарғона вилояти). Вилоят ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ёритгани учун

**Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):**

1-ўрин:
**Пухарбай Тлеумуратов** — "Еркин Қарақалпақстан" газетаси бўлим муҳаррири. Қорақалпоғистон Республикасида демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг самаралари ҳақидаги материаллари учун

2-ўрин:
**Альбина Гайсина** — "Uzreport" ахборот агентлигининг бош муҳаррири ўринбосари. Мамлакат ва халқаро миқёсдаги муҳим воқеаларни тезкорлик билан ёритган таҳлилий материаллари учун

3-ўрин:
**Шавкатжон Ортиқов** — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни тезкорлик билан ёритган туркум материаллари учун

**Рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича:**

**Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун:**
**Бойбўта Дўстқораев** — Ўзбекистон жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети профессори
**Тошпўлат Аҳмедов** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими масъул котиби, "Бухоро мавжлари" журнали муҳаррири

**Фаол фуқаролик позицияси учун:**
**Эшнор Жабборов** — "Жаҳон" ахборот агентлиги директорининг ўринбосари

**Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:**
**Йўлдошмирза Исоқжонов** — Избоскан тумани "Пахтакор" газетаси мухбири (Андижон вилояти)

**Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:**
**Назарали Тиллаев** — "Қашқадарё" газетаси мухбири

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун:**
**"Uzreport" ахборот агентлигининг Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси кўмагидаги "Biznes report" кўрсатуви.** Лойиҳа раҳбари Дилшод Султонов

**Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун:**
**Наргиза Умарова** — "Туркистон" газетаси мухбири

**Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун:**
**Дилшод Ражабов** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри — "Вазият" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Энг яхши журналистик текширув учун:**
**Мария Уханова** — "Правда Востока" газетаси мухбири

**Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун:**
**Тожиддин Қамаров** — Ўзбекистон Экологик ҳаракати матбуот хизмати раҳбари

**Энг яхши режиссёрлик иши учун:**
**Жўрабек Ҳамроев** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти режиссёри

**Энг яхши матбуот хизмати:**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизмати** — раҳбари Тўрабек Тўраев

**Энг яхши фоторепортаж учун:**
**Бобур Пўлатов** — "Туркистон" газетаси фотомухбири

**Энг яхши карикатура учун:**
**Мирсаит Ғозиев** — "Муштум" журнали рассоми

**Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун:**
**Дун Лунцзян** — Хитой Халқ Республикаси Синьхуа ахборот агентлигининг Тошкентдаги бўлими мухбири

**Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:**

**БМТ**

**"БМТ хотин-қизлари" тузилмаси фаолиятини ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни масалаларини ёритгани учун:**

1. **Шаҳло Мансурова** — "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Қизлар даврасидa" кўрсатуви муҳаррири

2. **Адолат Файзиева** — "Ёш куч" журнали бўлим муҳаррири

**ЖАҲОН БАНКИ**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзусини ёритгани учун:**
**Рустам Давлатов** — "Ишонч" газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири

**ЮНЕСКО**

**Барқарор ривожланиш мавзусини ёритгани учун:**
**Наргис Қосимова** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўлими мутахассиси.

**ҚУТЛАЙМИЗ!**

*Мукофотланганлар орасида «Халқ сўзи» газетасининг бўлим муҳаррири Шавкат Ортиқов ҳам бор. Ҳамкасбимизни ғолиб бўлганлиги билан самимий муборакбод этамиз.*


ГРУППА ГАЗ

РАСМИЙ ДИЛЕР «SARDOR AVTO INVEST»ДАН

«ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС» АВТОМОБИЛЛАРИ



ГАЗ-32213 «Газель Бизнес»
Микроавтобус 15 ўриндиққача, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Янгилик!



ГАЗ-2705 «Газель Бизнес»
Яхлит металл қуймали фургон, 3, 7 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Янгилик!



ГАЗ-3302 «Газель Бизнес»
Тентли юк машинаси, 3, 6 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3.
Привод: 4х2, 4х4.
Янгилик!



ГАЗ-330200 «Газель Бизнес»
Саноат, озиқ-овқат моллари учун изотермик фургон, 3 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3.
Янгилик!

«ГАЗ» АВТОСАЛОНИ
Тошкент ш., Сергели тумани, Янгисергели кўчаси, 1-уй.
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-01-81.
Веб-сайт: WWW.SARDOR.AVTO.UZ
35R/1060 МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.



Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ўз акциядорлари ва мижозларига, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, пластик карточка эгалари ҳамда омонатчиларга уларнинг банк фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаатларини тезкор қабул қилиш мақсадида қуйидаги

«Ишонч телефони»

(+99871) 150-10-01

ташкил этилганлигини маълум қилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

604R/510

e-mail: info@qqb.uz www.qishloqqurilishbank.uz


## ОБ-ҲАВО (3 май)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жамоаси Қонунчилик палатаси Девони бўлими мудири Ф. А. Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси
**РАҲБАР аянинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Дилором Сагдуллаевна Иргазиевага синглиси
**Феруза Сагдуллаевна ИРГАЗИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси Юридик бўлими бошлиғи Ғафур Худойбердиевга волидаи муҳтарамаси
**НАЗОКАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали" ЁАЖ жамоаси телерадиоканалнинг катта муҳаррири Ботирали Шодиевга волидаи муҳтарамаси
**ЎРОЛОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5